

**“XOVRENKO NOMIDAGI SAMARQAND VINO KOMBINATI**  
**aksiyadorlik jamiyati** акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши

**Б А Ё Н Н О М А С И**

**Йиғилиш ўтказилган жой:** Самарқанд шаҳри, М.Қошғари кўчаси, 58-уй.

**Йиғилиш ўтказилган сана ва вақти:** 2018 йил 30 ноябрь, соат 10-00.

**Йиғилиш тури:** Навбатдан ташқари

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кузатув кенгашининг 2018 йил 12 ноябрдаги йиғилиш қарорига асосан чақирилган.

**Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида акциядорларга маълумот етказиш:**

«BIZNES Daily Биржа» иқтисодий газетасининг 2018 йил 20 ноябрдаги 134-сонда тегишли ахборот эълон қилинган, 2018 йил 12 ноябрь ҳолатида шакллантирилган акциядорлар реестри асосида акциядорларга билдиришнома юборилган.

Жамият томонидан чиқарилган жами акциялар сони 1.533.320 дона эгасининг номи ёзилган оддий акцияларни ташкил қилади.

**Йиғилишга қатнашганлар:**

1. “Ўзшаробсаноат” акциядорлик жамияти халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи Ходжаев Ибрагим Олимович, 782000 овоз билан (2018 йил 29 ноябрдаги 40-01-15/3967 сонли ишончнома);

2.«Davlat aktivlarini bochqarish markazi» Davlat unitary korxonasi вакили Курбонов Аъзамжон Бешимович 309430 овоз билан (2018 йил 29 ноябрдаги 144-сонли ишончнома);

3.«MAROKAND PENNSYLVANIA TRADE» МЧЖ кўшма корхонасининг вакили Нейматов Мохир Шухратович 176390 овоз билан (2018 йил 29 ноябрдаги 2-сонли ишончнома);

4. Жисмоний шахс бўлган акциядорлар 5 киши, 2350 овоз билан.

**Таклиф этилганлар:**

1.Х.С.Азимов - жамият бошқаруви раиси в.в.б.;

2.М.С.Суяров - жамият бош ҳисобчиси;

3. Р.А.Раджабова- бўлим бошлиғи

4. М.Искандаров – жамият бош муҳандисси

Йиғилишни “Ўзшаробсаноат” акциядорлик жамияти халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи Ходжаев Ибрагим Олимович олиб борди ва йиғилишда қуйидаги тартибда овоз беришни таклиф қилди:

- йиғилиш ишчи органи (Президиум ва котиби), регламенти ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш - очик овоз бериш йўли билан;

- йиғилишнинг кун тартибидаги масалалар бўйича - ёпик овоз бериш йўли билан (овоз бериш бюллетенлари орқали).

Таклиф овозга қўйилди.Таклиф очик овоз бериш йўли билан бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилиш раиси И.О.Ходжаев умумий йиғилишни қонун доирасида олиб бориш учун умумий йиғилиш президиуми, раиси ва котибини сайлаш учун номзодларни кўрсатишни таклиф этди.

Р.Раджабова сўз олиб, қуйидаги номзодларни умумий йиғилиш президиумига, йиғилиш раислиги ва котиблигига сайлашни таклиф қилди.

**Йиғилиш президиуми:**

1.Ўзшаробсаноат”акциядорлик жамияти халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи И.О. Ходжаев .

2.«Davlat aktivlarini bochqarish markazi» Davlat unitary korxonasi вакили А.Б.Курбанов

3.Жамият бошқаруви раиси в.в.б. Х.С.Азимов

**Очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан қўйидагилар сайланди:**

- йиғилиш президиуми - И.О. Ходжаев, А.Б.Курбанов, Х.С.Азимов.
- йиғилиш раиси - И.О. Ходжаев
- йиғилиш котиби - С.Ашурова.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси И.О. Ходжаев акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини очиқ деб эълон қилди ва Президиумдан ўз жойларини эгаллашларини сўради.

Санок комиссияси таркибини тасдиқлаш бўйича йиғилиш раиси И.О. Ходжаев сўзга чиқиб, санок комиссияси таркибига қўйидаги номзодларни таклиф қилди:

- Зухурова Наргиза Муїиновна - акциядор;
- Хайитова Матлюба Равшановна - акциядор;
- Апазова Алие Серверовна - акциядор.

Ушбу номзодлар овозга қўйилди ва очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан сайланди.

**Умумий йиғилиш қарор қилади:**

Акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши санок комиссияси таркибига қўйидагилар тасдиқлансин:

- Зухурова Наргиза Муїиновна - акциядор;
- Хайитова Матлюба Равшановна - акциядор;
- Апазова Алие Серверовна - акциядор.

Жамият акциядорларининг умумий йиғилишига қатнашиш учун рўйхатдан ўтган акциядорларни жамлаш натижалари ва йиғилиш кворумини аниқлаш учун йиғилиш раиси И.О. Ходжаев сўзни санок комиссияси раиси Н.М.Зухуромага берди.

Санок комиссияси раиси Н.М.Зухурова сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 68-моддасига асосан агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоиздан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлишини эслатиб ўтди. Шунга асосан йиғилишда жами 1.270.170 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 8та акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтганлигини ва йиғилиш кворуми 82,8 фоизни ташкил қилганлигини маълум қилди.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси И.О. Ходжаев сўзга чиқиб, «Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати» акциядорлик жамияти кузатув кенгаши томонидан тайёрланган ва «BIZNES Daily Биржа» иқтисодий газетасининг 2018 йил 31 майдаги 61-сонида эълон қилинган йиғилиш кун тартибини ўқиб эшиттирди.

**КУН ТАРТИБИ:**

1. «Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати» АЖнинг санок комиссиясини таркибини сайлаш.
2. «Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати» АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
3. «Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати» АЖ кузатув кенгашига кейинги йиллик умумий йиғилиш кунига қадар қўшимча аъзо сайлаш;
4. «Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати» АЖ жамият тафтиш комиссияга кейинги йиллик умумий йиғилиш кунига қадар қўшимча аъзо сайлаш;

1. **Кун тартибидаги биринчи масала** («Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати» АЖнинг саноқ комиссиясини таркибини сайлаш ) бўйича йиғилиш раиси И.О.Ходжаев сўзга чиқиб, акциядорларни саноқ комиссиясини таркиби билан таништирди ва акциядорларга овоз бериш учун мурожаат қилди.

1. Н.М.Зухурова- акциядор
2. А.С.Апазова - акциядор
3. М.Р.Хайитова- акциядор

Овоз бериш натижалари:

**Тарафдор - 1.270.170 та овоз, 100%, қарши - 0, бетараф - 0.**

2. **Кун тартибидаги иккинчи масала** («Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати» АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш) бўйича йиғилиш раиси И.О.Ходжаев сўзга чиқиб, акциядорларни регламент билан таништирди ва акциядорларга овоз бериш учун мурожаат қилинди.

#### **Навбатдан ташқари умумий йиғилиши**

##### **РЕГЛАМЕНТИ:**

1. «Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати» АЖнинг саноқ комиссиясини таркибини сайлаш. (*Маърузачи: И.О.Ходжаев* ) 5 дақиқа;
  2. «Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати» АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш; (*Маърузачи: И.О.Ходжаев*) 5 дақиқа;
  3. «Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати» АЖ кузатув кенгашига кейинги йиллик умумий йиғилиш кунига қадар қўшимча аъзо сайлаш;  
(*Маърузачи: И.О.Ходжаев* ) 5 дақиқа;
  - 4.«Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати» АЖ жамият тафтиш комиссияга кейинги йиллик умумий йиғилиш кунига қадар қўшимча аъзо сайлаш;  
(*Маърузачи: И.О.Ходжаев* ) 5 дақиқа;
- Мунозаралар учун - 5 дақиқа;
  - Маълумотлар ва саволларга жавоб бериш учун - 5 дақиқа;
  - Овоз бериш ва бюллетенларни йиғиш учун - 10 дақиқа.

Йиғилишни 1 соат давомида, яъни соат 11-00 га қадар танаффуссиз тугатишни таклиф қилди.

**Кун тартибидаги масала** («Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати» АЖ кузатув кенгашига кейинги йиллик умумий йиғилиши кунига қадар қўшимча аъзо сайлаш;) бўйича йиғилиш раиси И.О.Ходжаев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 76-моддасига асосан кузатув кенгаши аъзолигига берилган қуйидаги 3 нафар номзодларни кузатув кенгаши аъзолигига сайлаш учун номзодлар рўйхатига киритилганлигини маълум қилди.

“Ўзшаробосаноат” акциядорлик жамияти ўзининг 2018 йил 22 октябрь кундаги ТУ-02-15/3454 сонли хати билан «Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати» акциядорлик жамияти акциядорларини навбатдан ташқари умумий йиғилишини кун тартибига жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига номзод сайлаш масалаларига қуйидаги номзодлар киритилишини талаб қилган:

Жамият кузатув кенгашига сайланиш учун қуйидаги 3-та номзодлар киритилиши талаб қилинган:

«Ўзшаробсаноат» акциядорлик жамияти Молиявий менежмент бўлими бошлиғи Ниязова Дэрия Оринбосар қизи

«Ўзшаробсаноат» акциядорлик жамияти Узумчиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Зоидов Аброр Валиевич

«Ўзшаробсаноат» акциядорлик жамияти Халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи вазифасини вақтинчалик бажарувчи Ходжаев Ибрагим Олимович

Шунингдек, йиғилиш раиси И.О.Ходжаев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 76-моддасига асосан жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича овоз бериш кумулятив тарзда ўтказилишини маълум қилди ва акциядорларга кумулятив овоз бериш тартибини батафсил тушунтириб берди.

Ушбу номзодлар овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Т/Р	Номзодлар	Лавозими	Овозлар сони
1	Ниязова Дэрия Оринбосар қизи	«Ўзшаробсаноат» акциядорлик жамияти Молиявий менежмент бўлими бошлиғи	1.270.170
2	Зоидов Аброр Валиевич	«Ўзшаробсаноат» акциядорлик жамияти Узумчиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи	1.270.170
3	Ходжаев Ибрагим Олимович	«Ўзшаробсаноат» акциядорлик жамияти Халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи вазифасини вақтинчалик бажарувчи	1.270.170

**Кун тартибдаги масала** («Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати» АЖ жамият тафтиш комиссияга кейинги йиллик умумий йиғилиш қунига қадар қўшимча аъзо сайлаш;) бўйича йиғилиш раиси И.О.Ходжаев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 107 моддасига асосан тафтиш комиссияси таркибига сайлаш учун акциядорлар томонидан берилган 1 нафар номзод тафтиш комиссияси таркибига сайлаш учун киритилганлигини маълум қилди.

«Ўзшаробсаноат» акциядорлик жамияти ўзининг 2018 йил 22 октябрь кундаги ТУ-02-15/3454 сонли хати билан «Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати» акциядорлик жамияти акциядорларини навбатдан ташқари умумий йиғилишини кун тартибига жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига номзод сайлаш масалаларига қуйидаги номзодлар киритилишини талаб қилган:

Жамият тафтиш комиссиясига сайланиш учун қуйидаги 1-та номзод киритилиши талаб қилинган:

«Ўзшаробсаноат» акциядорлик жамияти бош мутахассиси Миркамол Миржалол Миркамол ўғли

Овоз бериш натижалари:

Овозга қўйилган масалалар	Ўқлай-ман	Қарши-ман	Бетараф-ман
1.«Ўзшаробсаноат» акциядорлик жамияти бош мутахассиси Миркамол Миржалол Миркамол ўғли	1.270.170	-	-

Кун тартибида кўриб чиқилган масалалар бўйича билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда овоз бериш натижаларига кўра умумий йиғилиш

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**


- 1.«Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати» АЖ кузатув кенгашига кейинги йиллик умумий йиғилиш кунига қадар қўшимча куйдаги 3-та аъзо сайлансин;  
«Ўзшаробсаноат» акциядорлик жамияти Молиявий менежмент бўлими бошлиғи Ниязова Дэрия Оринбосар кизи  
«Ўзшаробсаноат» акциядорлик жамияти Узумчиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Зоидов Аббор Валиевич  
«Ўзшаробсаноат» акциядорлик жамияти Халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи вазифасини вақтинчалик бажарувчи Ходжаев Ибрагим Олимович
2. «Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати» АЖ жамият тафтиш комиссияга кейинги йиллик умумий йиғилиш кунига қадар қўшимча 1-та аъзо сайлансин;  
«Ўзшаробсаноат» акциядорлик жамияти бош мутахассиси Миркамоллов Миржалол Миркамол ўғли

Йиғилиш раиси И.О.Ходжаев акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги масалалар батафсил кўриб чиқилганлигини маълум қилди ва умумий йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

Баённома 2018 йил 7 декабрида тузилди ва имзоланди.

Йиғилиш раиси

Йиғилиш котиби



И.О.Ходжаев

С.Ашурова